

П У Д Р А Т Ш А Р Т Н О М А С И № 5

«14» апрел 2022 й.

Бухоро ш.

“STROY CITY LYUKS” МЧЖ (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, асосида иш юритувчи А. Юсупов тимсолида, бир томондан ва РЎТФХМОИМ Бухоро филиали (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, асосида иш юритувчи Х.Джумаев тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1 ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича “Пудратчи” «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан РЎТФХМОИМ Бухоро филиали биносига қушимча қурилиш ва тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан қурилиш ишларининг қиймати 1 229 990 000 (Бир миллиард икки юзи йигирма тўққиз миллион тўққиз юзи тўксон минг сўм) сўмни ташкил қилади.

2.2. Қурилиш ишларининг бошланиши: Шартнома умумий суммасидан 30% аванс кучгандан сунг.

2.3. Қурилиш ишларининг тугаши вақти «30» август 2022 йил.

3. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Қурилиш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманиннг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» томонидан қурилиш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.3. Қурилишни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади. 3.4 Қурилишни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг қурилишни ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманиннг умумий нархи ККС билан 1 229 990 000 сўмни (Бир миллиард икки юз йигирма тўққиз миллион тўққиз юз тўксон минг сўм) ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 368 997 000 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг апрел ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сунг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 860 993 000 сўмни, яъни. келишилган сумманиннг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошиқча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси ККС билан 1 229 990 000 сўм бўлган қурилиш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус қурилиш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Ҳар ҳафтаниннг душанба кунида жорий ҳафтада бажарилган қурилиш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар қурилиш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачи қуйидаги тартибда жарима тўлайди: - таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % миқдорида; кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдорида; -ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдорида;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани тузади..

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳа бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,04% микдорида «Пудратчиға жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи қурилиш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларға ва амалдаги қонунчилик асосан қабул қилиб олади. 6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назард тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатнома «Пудратчи» билан биргаликда тузади

7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан ҳужалик судларида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучға эға бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1. 2014 йил 1 январдан амалға киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси»нинг 122 моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) еткази берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишға оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатға олиниш шартлиги ва фақат у амалға оширилгандан кейин кучға кириши назарда тутилган

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

“STROY CITY LYUKS” МЧЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Ромитан туман Гарнаут МФЙ

Тел./факс +99894 244 4449

х/в 20208000105093897001

Банк номи Тошкент ш., "Алокабанк АТ
БУХОРО ФИЛИАЛИ
МФО 00401

ОКОНХ 61120
СТИР 306518077

Рахбар



М.Ў.

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

«БУЮРТМАЧИ»

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ҳодимлари малақасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Бухоро филиали
(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро шаҳар

Тел./факс 65 228-50-36

ш/х 400121860064017096200054001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201504362

ОКОНХ 91513


Ғазначилик бўлинимаси номи: Бухоро вилояти
бўйича Ғазначилик бошқармаси
Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент Марказий банкнинг
ХКМ

МФО: 00014

Ғазначилик СТИРи: 201122919

Рахбар Х. Джумаев



М.Ў.